

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ *MO 2-68*  
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил *10* *сентябр* даги  
*187* - сонли буйруғи билан  
tasdiklangan



“Спорт фаолияти”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Спорт фаолияти” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- болалар ва ўсмирлар спорти тизимининг функцияларини;
- спорт машғулотларини ўтказиш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни;
- болалар ва ўсмирлар спортининг долзарб муаммоларини;
- “Алпомиш” ва “Барчиной” махус тестлари талабларини;
- спортчиларнинг эришган янги ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- спорт фаолиятидаги замонавий услублар ва воситаларини;
- спортчиларнинг мусобақа фаолияти ва тайёрлаш тизимини;
- спортга саралаш, ориентирлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг замонавий технологияларини;
- болаларнинг жисмоний ривожланиши ва машғулот юктамаларини режалаштириш технологиясини;
- малакали спортчилар машғулот дастурини тузишни;
- генетик маркерлар ва спорт танловини;
- жисмоний юктамалар таъсирида суяк ва мускул тизимидаги морфологик ўзгаришларни;
- жисмоний ишчанликни ифодаловчи кардиореспиратор тизимнинг фаолиятини баҳоловчи физиологик услубларнинг спортдаги аҳамиятини;
- спорт фаолиятидаги илгор хорижий тажрибаларни ва ноанъанавий спорт анжомларини қўллаш услубларини *билиши* керак.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Спорт таълим сифатини оширишда илгор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

3.2. Спорт соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг илгенсиз усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида моллийвий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили.

## **VI. Махус фанлар**

6.1. Малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.

6.2. Болалар ва ўсмирлар спортидаги долзарб масалалар.

6.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг максали ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг максали педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар қиради:

- “Спорт фаолияти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

#### **Тингловчи:**

- спорт машгулотларини белгиланган тартиб ва талаблар асосида ташкил этиш;
- болаларнинг жисмоний ривожланиши ва уларнинг ёши ва жинсига қараб машгулот юкламаларини режалаштириш;
- спорт мусобақаларини ташкиллаштиришда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- малакали спортчилар машгулотларини режалаштириш ва назорат қилиш;
- спортчиларни хориж тажрибаси асосида тайёрлаш, моделлаштириш ва башорат қилиш;
- республикамыз спортчиларининг халқаро мусобақаларда эришган натижаларини киёсий тахлил қилиш;
- спорт фаолиятида яратилган замонавий аудио ва видео манбалардан, электрон ўқув-қўлланмалардан фойдаланиш;
- малакали спортчиларнинг спорт турлари бўйича мусобақа олди машгулот ва тайёргарлик турларини киёсий тахлил қилиш;
- спорт фаолиятидаги таникли хорижий стажчи мутахассис ва спортчиларнинг кун тартиби, овқатланиш ва машгулот юкламаларини тахлил этиш;
- спортга таяллада генетик маркерларни тахлил қилиш;
- спорт машгулотларини инновацион технологиялар ёрдамида ташкил этиш *қўшимчаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- спорт фаолиятида илгор хорижий тажрибалардан, хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш ва амалиётта талбик этиш;
- спорт машгулотларини соҳала яратилган замонавий аудио ва видео манбалар, электрон ўқув-қўлланмалардан асосида ташкил этиш;
- болалар ва ўсмирлар спорт машгулотларида ноаъанавий спорт аниқомларидан фойдаланиш;
- спорт мусобақаларини хужжатлаштириш ва олинган натижаларини тахлил қила олиш;
- спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари асосида алоҳида спорт турларида машгулотлар олиб бориш;
- спортчиларнинг кун тартиби ва машгулотларини ташкиллаштириш, кунлик режим ва овқатланишни меъёрда ташкил этиш;
- ёш спортчилар организмни чиниктириш, спорт машгулотларининг асосий компонентларидан самарали фойдаланиш;
- спорт фаолиятида замонавий техника ва технологияларга асосланган машк ва тренинглاردан фойдаланиш ва ўқитиш;

- машгулотлар олиб бориш тизимини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- болалар ва ўсмирлар спортини хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
- спорт фаолиятида спорт турларини ўргатишда сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда замонавий технологияларни қўлай олиш;
- болалар ва ўсмирлар спортининг долзарб муаммоларини тахлил қилиш ва ечимини топиш;
- малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологияларини спорт машгулотларида қўлай олиш;
- спорт машгулотларида спортчилар билан ишлашда замонавий технологиялардан фойдалана олиш;
- болалар ва ўсмирлар спортида илгор хорижий тажрибалардан, хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш;
- спорт амалиётида замонавий моделлаштириш усулини қўллаш;
- малакали спортчиларни тайёрлашда замонавий жиҳоз ва техник воситаларни амалиётда қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

#### **Курс хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати бериллади.

“Спорт фаолияти” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

**I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омил сифатида. Глобаллашув ва иқтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини

таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққийнинг асосий мезонидир” “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бошқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базисини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуқсиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабийёлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйилган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакли, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, ингерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва тарқибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нуқт техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳини оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциални тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлиқни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва

педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартларида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Спорт таълим сифатини оширишда илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий мамлакатлар таълим тизимида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш. Хорижий давлатлар таълим тизими сифатининг асосий йўналишлари. Хорижий давлатлар таълим тизимининг таракқиёти. Ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш.

Спорт таълими сифатини оширишда АҚШ ва Европа давлатлари тажрибаси. Ван Боттенбург бўйича жисмоний тарбия сифати стандартлари. Профессонал спортни ташкил этишда Америка тажрибаси. Профессонал спортни ташкил этишда Европа давлатлари тажрибаси. Профессонал спортни ташкил этиш ва бошқаришда илгор хорижий тажрибалар (Япония, Жанубий Корея, Германия, Хитой).

Оммавий спортни ташкил этиш ва унинг бошқарувида хорижий тажрибалар. Оммавий спортни ташкил этиш ва уни бошқарувида ижтимоий-иқтисодий муаммолар. Оммавий спорт ривожига хорижий тажрибалар. Оммавий спорт ривожига моливий, моддий, меҳнат ва илмий-ахборот ресурслар билан таъминланганлик.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zjupnet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойihalаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарслиklar, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

### 3.2. Спорт соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

Мультимедианинг компонентларидан спорт таълими жараёнида самарали фойдаланиш. Аудио ва видео конференция. Самплинг методидан спорт соҳасида фойдаланиш. Соҳага оид мультимедиа электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарслиklar) яратиш.

Электрон таълим ресурслари хақида тушунча. Масофавий ўқитишда спорт соҳасида электрон таълим ресурсларини яратиш. Соҳага оид мультимедиа маърузалар тайёрлаш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва амалий асослари. Масофавий ўқитишни спорт таълимида ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили. LMS тизимларининг асосий функциялари ва улардан спорт соҳасида фойдаланиш.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Спорт соҳасида оммавий онлайн очик курслар дастурини яратиш ва ташкил этиш.

## IV. Амалий хорижий тил

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоҳа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилда гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг максади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилни амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертги ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

### 5.2. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни таъмин қилиш ва унинг тахлили.

Жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги муассасаларни молиялаштириш тартиби. Жисмоний маданият ва спорт соҳасини молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари. Бюджетга қарашли спорт ташкилотларида штатлар жадвалининг шакллантирилиш тартиби. Жисмоний маданият ва спорт соҳаси менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни. Йиллик смета харажатларинг самарали фойдаланишида корхона менежерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бюджетга қарашли спорт ташкилотнинг йиллик харажатлар сметасининг харажат молдаларининг ҳаққонийлигини асослаш манбалари. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш механизмлари. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида бюджетдан ташқари маблағларни ишлатиш тартиби. Жисмоний маданият ва спорт соҳасини моддий-техник базасини янгилашиб бориш механизмлари.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.

Малакали спортчиларни тайёрлашнинг восита ва усуллари. Малакали спортчиларни тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланишда

қўлланиладиган асосий тамойиллар. Спортчиларни замонавий технологиялар ёрдамида техник-тактик ва психологик тайёрлаш. Малакали спортчиларни психологик тайёрлашда замонавий технологияларни қўллашнинг ўрни.

Малакали спортчиларни техник-тактик тайёрғарлигида замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги. Малакали спортчиларни тайёрлаш жараёнининг макро тизими. Спортга саралаш, ориентирлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг замонавий технологиялари.

Спортчиларнинг мусобақа фаолияти ва тайёрлаш тизимининг эксперимент шароити. Малакали спортчилар машғулот дастурини тузиш. Спортчиларни махсус жисмоний тайёрғарлигини ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш. Малакали спортчиларни тезлик, тезкор куч ва чидамлик сифатларини ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги.

Замонавий технологиялар ёрдамида малакали спортчиларнинг жисмоний тайёрғарлиги ва ҳаракат сифатларини ривожлантириш. Малакали спортчиларнинг куч сифатини ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш восита ва усуллари.

### 6.2. Болалар ва ўсмирлар спортдаги долзарб масалалар.

Болалар ва ўсмирлар спорт тизимининг функциялари. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари шуғулланувчилари контингентини саклашнинг долзарб масалалари. Болаларда спорт мотивациясининг ёшга ҳос хусусиятлари.

Болаларнинг спорт қобилияти ва иқтидорини аниқлашнинг долзарб масалалари. Спорт машғулотларига саралаш ва индивидуал қобилиятлар.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жинсига қараб машғулот юкламаларини режалаштириш. Машғулотлар юкламаларини режалаштириш технологияси.

Болаларнинг жисмоний тайёрғарлиги ва унинг ёш хусусиятлари. Ёш спортчиларнинг кун тартиби ва машғулотларини ташкиллаштириш. Кунлик режим ва овқатланиш. Ёш спортчилар организмини чиниктириш. Спорт машғулотларининг асосий компонентлари.

Ўсмир спортчиларнинг интеграл тайёрғарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси.

Болалар ва ўсмирлар спортда мураббийларга қўйиладиган замонавий талаблар. Болалар ва ўсмирларнинг спортни ташлаб кетиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари.

Ёш спортчиларнинг интеграл тайёрғарлигида ҳаркатли ўйинларни қўллашнинг шиддати, ҳажми ва меъёрлари.

### 6.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.

Адаптация таълимотининг тиббий-биологик асослари. Жисмоний юкламалар таъсирида суяк ва мускул тизимидаги морфологик ўзгаришлар. Спортчиларнинг конституционал хусусиятлари ва уларнинг спорт амалиётидаги моҳияти. Генетик маркерлар ва спорт танлови.

Спорт танловининг турлари ва унинг тиббий-биологик асослари. Морфологик текшириш методлари: антропометрия, антропометрик асбоблар билан ишлаш принциплари.

Антропометрик нукталарни аниқлаш. Тана юзасини аниқлаш. Тананинг ёғ массасини аниқлаш. Тананинг суяк ва мускул массасини аниқлаш.

Жисмоний ишчанликни инфодаловчи кардиореспиратор тизимининг фаолиятини баҳоловчи физиологик услубларнинг спортдаги аҳамияти.

#### VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

#### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажардилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида хар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдими куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

#### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

#### Адабётлар

##### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун хар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юқсак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011. –440 б.

5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

##### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни воёга етказиш тўғрисида” ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида” ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида” ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодават таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқилдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июлдаги 118-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини талбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саггаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик тахлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
9. Рақамли телевидение// Х.С.Соатов тахрири остида Ўқув қўлланма. Т.: 2015.
10. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент: 2008.
11. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
12. Pablo Pavon Marino. Optimization of Computer Networks: Modeling and Algorithms: A Hands-On Approach. United States of America April 2016
13. Riaz. Esmailzadeh. Broadband Telecommunications Technologies and Management. New Jersey, United States/May 2016
14. Jonathan Rodriguez. Fundamentals of 5G Mobile Networks. New Jersey, United States June 2015



15. Marian K. Kazimierczuk. RF Power Amplifier, 2nd Edition. New Jersey, United States December 2014
16. Clark V.R. Creating Entrepreneurial Universities: Organizational Pathways of Transformation. - New York: Pergamon Press, 1998.
17. Mahkamdjanov K.M. "Jismoniy madaniyat pazariyasi va metodikasi" darslik T.: Iqtisod-Moliya, nashriyoti 2008 y.
18. Salomov P.S. "Jismoniy madaniyat nazariyasiga kirish", ўquv qўllanma T.: ЎзДЖТИ нашриёти 2002 й.
19. Salomov P.S. "Спорт машгулотларининг назарий асослари" ўқув қўлланма Т.: ЎзДЖТИ нашриёти 2005 й.
20. Гончарова О.В. "Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш" ўқув қўлланма Т.: ЎзДЖТИ нашриёти 2005 й.
21. Юнусова. Ю.М. Теория и методика физической культуры. «IQTISOD-MOLIYA» Ташкент, 2007. С.167 – 172.
22. Керимов Ф. А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Тошкент, 2004. С. 320.
23. Керимов Ф. А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. Тошкент, 2007. С. 330
24. Ачилов А.М., Акрамов Ж.А., Ганчарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. «Lider Press» nashriyoti, Тошкент, 2009. С-198.
25. Ачилов А.М., Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н., Тажикаев С.С., Ражабов Ф.Қ. "Ёш боксчиларни тайёрлаш асослари" "МУМТОЗ СЎЗ" 2012 й. 228бет.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги: [www.mcs.uz](http://www.mcs.uz)
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz).
4. [www.Ziyoue1.uz](http://www.Ziyoue1.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
7. <http://learnenglish.britishcouncil.org/>
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
9. <http://wiley.com>
10. <http://nptel.ac.in>

#### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов  
" \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_\_ й.  
М.У. \_\_\_\_\_



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази

Директор \_\_\_\_\_ И.Туреулнаев  
" \_\_\_\_\_ 201 \_\_\_\_\_ й.



#### КЕЛИШТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Таълим муассасалари бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ А.Нуруллаев  
" \_\_\_\_\_ й.  
М.У. \_\_\_\_\_

